Қишлоқ хўжалиги йўналишида:

Вилоят ҳудудларида **2017-2025 йиллар** давомида жами **42** ***минг гектар*** ер майдонлари ўзлаштирилди.

Ўзлаштирилган майдонларнинг ***5 минг гектардан*** кўпроқ майдонларга **узумзорлар ва мевали боғлар** барпо этилди.

37 минг гектар мйдонга қишлоқ хўжалиги экинлари экилиб, қўшимча **500 минг** тонна ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Ер майдонларни ўзлаштириш ҳисобига ***40 минг нафардан*** ортиқ иш ўринлари яратилиб аҳоли бандлиги таъминланишига эришилди.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИ:

2024 йил уй-жой қурилиши дастури доирасида вилоятда**жами4 000 хонадонли 58 та** уй-жойлар қурилиши кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда амалда **4 872 хонадонли 69 та** ***(292 минг кв.м)***кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилди. Хусусан:

Кармана тумани “Янги Ўзбекистон” массиви умумий майдони **20 гектар** ташкил этиб, шундан **1,1 гектар** ***(18 та 420 хонадон),*** Қизилтепа тумани “Янги Ўзбекистон” массиви умумий майдони **21 гектар** ташкил этиб, шундан **0,5 гектар** ***(8 та 200 хонадон)*** ер майдон аукцион савдолари орқали сотилган.

Ушбу “Янги Ўзбекистон” массивларининг **ҳар бирига 1 тадан янги мактаб, мактабгача таълим муасасасаси, оилавий шифокорлик пунктлари** ҳамда **1000 дан** ортиқ хизмат кўрсатиш объектлари қуриб фойдаланишга топширилди ва тўлиқ мухандислик коммуникация тармоқлари билан таъминланди.

Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси ташкил этилганлигига уч йил бўлган бўлса, ушбу давр оралиғида вилоятимиз ҳудудида қарийб **42 миллион** дона ҳар хил турдаги дарахт ва бута кўчатларини экилиб, **100 гектар** ортиқ ер майдонига **“яшил боғ”, “яшил белбоғ”, “яшил жамоат парки”** ташкил этилди ҳамда жорий йилдан бошлаб **“менинг боғим”** лойиҳасига старт берилди.

Маълумот учун: бугунги кунга қадар **20 та “яшил боғ”, 25 та “яшил белбоғ”, 15 та “яшил жамоат парки”** ташкил этилган.

Мазкур, **"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси** доирасида вилоятда йилига ўртача **14 миллион** туп дарахт ва бута кўчатларини экилиб, яшиллик даражамиз **15 фоизга оширилди.**

Бундан ташқари, вилоят ҳудудининг асосий қисми чўл ҳудудларидан иборат эканлигини инобатга олиб, ўрмон ҳўжаликлари худудида ҳар йили **50**

минг гектар ер майдонида яшиллик даражаси ошириб, яшил қопламалар ташкил қилиб кетинмоқда.

Маълумот учун: Ўтган уч йил давомида вилоят чўл ҳудудларида *(Учқудуқ, Томди, Конимех туманлари)* **75 минг** дона саксовул кўчати ва уруғи қадалди *(саксовул ўсимлигининг яшовчанлиги даври ўртача 40-50 йил ҳисобланади)*

Туризм соҳасида:

2025 йилнинг **I чораги давомида** вилоятга **52,6 минг (2025 йилда 500 минг)** нафар **хорижий** ва **269,6 минг (2025 йилда 2,5 млн)** нафар маҳаллий **сайёҳлар** ташрифи кузатилди. 2024 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш кўрсаткичи **1,2 баробарга** ошди Туризм экспорти ҳажми **15,8млн.долларга** етказилди. 2025 йил I чорагида Германия, Франция, Хитой, давлатларидан энг кўп хорижий сайёҳлар оқими кузатилди. (**29,3 минг**).

2024 йилнинг биринчи чорагида **37,6 минг** нафар **хорижий** ва **230 минг** нафар маҳаллий **сайёҳлар** ташрифи кузатилган. 2024 йилга нисбатан ўсиш **1,2 баробарга ошган**.

2025 йилнинг **I чораги давомида 23 та**(*2 та меҳмонхона, 20 та оилавий меҳмон уйи 1 та ўтовли оромгоҳ*) **жойлаштириш воситалари** ташкил этилди.

2016 йилда вилоят бўйича фақатгина Навоий шахрида **6** та меҳмонхонада **370** та ўрин мавжуд эди. Туризм соҳасини қўллаб қувватланаётганлиги, **90** дан ортиқ давлатлар билан визасиз режим жорий этилганлиги натижасида меҳмонхоналарга бўлган талаб кескин ортди.

Бугунги кунга келиб вилоятдаги жойлаштириш воситалари сони **260 тага** ўринлар сони **7 400 тага** етказилди**, шундан: 54** та меҳмонхона, **15** та дам олиш маскани, **41** та ҳостел, **8** та ўтовли лагер, **142** та меҳмон уйлари.

2025 йилнинг **I чорагида 14 та туркомпаниялар** фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг сони **76 тага, турмаршрутлар** сони **84** тага етказилди. 2016 йилда ушбу кўрсаткич бор йўғи **3** тани ташкил этган ҳолос.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг (ЮНВТО) Самарқанд саммитида “Сентоб” қишлоғини энг яхши **туризм қишлоғи** деб тан олинганлиги натижасида Сентобга АҚШ, Германия, Франция, Испания каби кўплаб давлатлардан келаётган хорижий сайёҳларнинг сони **2,2** баробарга кўпайди.

Хатирчи туманининг “Лангар” маҳалласини ҳам Сентоб маҳалласи андозасида туризм маҳалласига айлантириш бўйича амалий ишларни бошланиб **“Туризм маҳалласи”**мақоми берилди. “Лангар” маҳалласига 2025 йилда **22 минг** нафар хорижий сайёҳлар келиши кутилмоқда.

Хатирчи, Нурота, Навбаҳор, Кармана, Қизилтепа туманларини қамраб олган **340 км** масофада **60 та** объектдан иборат **14 та** туризм маршрутлари яратилди. Натижада сайёҳларнинг вилоятда қолиш муддати 2-3 кунга узайди.

Республикада биринчилардан бўлиб Навоий тажрибаси асосида Навоий шаҳридаги **22 умумий** ўрта таълим мактабида ўқувчилар учун **“Туризм” тўгараги** ташкил этилди. Бугунги кунда мазкур тўгаракка **100 дан** ортиқ ўқувчилар жалб этилган.

Конимех туманининг олис Янгиқазған, Дўнгалак қишлоқларидаги **70 га** яқин оилаларга туризм кириб бораяпти. Қишлоқда сайёҳлар учун ҳар хил турдаги миллий таомлар тайёрлаш, Туя сутини соғиш, жигар, ошқозон касалликлари учун туя сутини ичиш, тандирда нон ёпиш, гиламдўзлик маҳсулотларини тайёрлашни кўриш ва сотиш хизматлари ташкил этилаяпти.